

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛТЕТИ**

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ**

**СИРОЖОВ ЖАҲОНГИР БЕКМУРОДОВИЧ**

**“КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ**  
**ҲАМДА АУДИТИ”**

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)”  
бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун  
ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

**к.ўқ. П.Жумаев**

**ТОШКЕНТ – 2016**

## **М у н д а р и ж а**

|                                                                                                       |           |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш</b>                                                                                          | <b>3</b>  |
| <b>I- БОБ. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари</b>                               |           |
| 1.1. Капитал қўйилмалар тушунчаси ва унинг аҳамияти .....                                             | 6         |
| 1.2. Капитал қўйилмалар ҳисобининг мақсади ва вазифалари .....                                        | 11        |
| <b>II- БОБ. Хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш</b>                 |           |
| 2.1. Хўжалик юритувчи субъектларда қурилиш ишларини амалга ошириш харажатлари ҳисоби .....            | 22        |
| 2.2. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш муомалалари ҳисоби .....           | 36        |
| 2.3. Халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси асосида капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш ..... | 43        |
| <b>III БОБ. Капитал қўйилмалар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш</b>                                    |           |
| 3.1. Капитал қўйилмаларни аудит қилишнинг усуллари ҳамда ахборот манбалари .....                      | 50        |
| 3.2. Капитал қўйилмалар аудитини ўтказиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш.....                       | 59        |
| <b>Хулоса ва таклифлар</b>                                                                            | <b>64</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>                                                               | <b>66</b> |

## Кириш

### **Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги.**

Иқтисодиётни модернизациялаш ва бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда амалга оширилаётган кўпгина тадбирлар аввало тармоқ ва ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, уларни амалга оширишда давлат томонидан ишлаб чиқиладиган қонун-қоидаларнинг ўрни бекиёсдир. Хўжалик юритишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари пайдо бўлиши, тадбиркорликка эркинлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга ўз молиявий ресурсларидан фойдаланишда мустақиллик берилиши, янгича молия воситалари ва омилларнинг вужудга келиши инвестициялашнинг илгари амалда бўлган ташкилий механизмини тубдан ислоҳ қилмоқда. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов:

“Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.

2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.”<sup>1</sup> деб таъкидладилар. Бугунги кунда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган хўжалик юритувчи субъектларни барпо этиш масалаларини ҳал этишда капитал қўйилмалар ҳисоби алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган хўжалик юритувчи субъектларни барпо этиш масалаларини ҳал этишда капитал қўйилмалар ҳисобини юритишдаги муаммолар ушбу мавзунини ўрганишни тоқозо этади.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” маърузаси “Халқ сўзи” газетаси 17.01.2015й.

Корхоналар фаолиятида капитал қўйилмаларни тўғри ҳисобга олиш, дастлабки хужжатлаштириш ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, уларни тегишли объектлар ўртасида аниқ тақсимланганлиги ҳамда мақсадли сарфланганлигини текширишда кўпгина муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ва улар аудитини ўтказишнинг амалдаги тартиби сарфланган капитал харажатларни тўлиқ ва ишончли акс эттириш, лойиҳаларни молиялаштиришга жалб этилган маблағларни аниқ мақсадга йўналтириш, қурилиш ишларини молиялаштиришда маблағлар тақчиллигини бартараф этиш ҳамда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга ўз вақтида топширилганини таъминлаш имконини беради. Шунингдек, республикамизда бу масалалар бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар талаблари даражасида илмий жиҳатдан тўлиқ ҳал этилмаган. Бундан ташқари, иқтисодчи олимлар томонидан капитал қўйилмалар самарадорлиги ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича бажарилган тадқиқотлар асосан режали иқтисодиёт тамойилларига мувофиқлаштирилган бўлиб, бу борадаги муаммоларнинг замонавий ечимларини батафсил камраб олмайди.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитининг назарий, услубий ва ташкилий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсия ва таклифлар беришдан иборат.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида капитал қўйилмаларнинг моҳияти, ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш;
- узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий

воситаларни ободонлаштириш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсияларни асослаш;

➤ капитал қўйилмаларнинг аналитик ҳисобини такомиллаштириш;

➤ хўжалик усулида бажарилган капитал қурилишда капитал қўйилмаларни баҳолаш услулари таклиф қилиш.

**Битирув малакавий ишининг объекти** “SUVSANOATMASH” акциядорлик жамиятининг баланс маълумотлари ҳисобланади

**Битирув малакавий ишининг предмети** бўлиб капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

**Мавзунинг назарий -амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишининг назарий асосини Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларига бағишланган фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубиётига оид меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишда хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмалар ҳисоби ва унинг аудитини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, юзага келаётган муаммоларни ечимини топишда ҳисса қўшиши ишнинг амалий аҳамиятини асослайди.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, маълумотларни ёритишда жадвал, чизмалардан фойдаланилган.

# **I БОБ. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари**

## **1.1. Капитал қўйилмалар тушунчаси ва унинг аҳамияти**

Бозор муносабатларига ўтиш мамлакатимиз иқтисодиётининг макро ва микро даражаларида хилма-хил янги фаолият турларини вужудга келишга ва уларни ривожланишига асос солди. Шундай фаолият турларидан бири бўлиб, инвестиция фаолияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига кўра, “Инвестициялар - иқтисодий ёки бошқа фаолият объектларига сарфланадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардан иборатдир”<sup>2</sup> дейилган. Инвестиция фаолияти, -тушунчаси негизида “инвестиция” атамаси ётади. Ушбу номдаги атама ўзбек тили луғатига чет тилларидан ўзгартиришсиз киритилган, лекин унинг асл моҳияти иқтисодий аҳамиятига қараб тавсифланган.

“Капитал” тушунчаси иқтисодий тоифалар таркибига кириб, унинг мазмунини маблағ қўйиш, жойлаштириш ташкил этади. У даромад келтирувчи манбадир.

Мамлакатимизда инвестицияларни жалб этишда аввало ички манбаларни сафарбар этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришда инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари – корхона фойдаси, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва бошқалардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини англатади. Чунки, ички манбаларнинг тўлиқ сафарбар этилиши, бир томондан, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминласа, бошқа томондан, инвестицияларнинг самарадорлигини оширади.

Хўжалик жараёнлари маълум маблағлар заҳирасини талаб этади. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш корхоналари иморатлар, машиналар,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Т. 1998.

ускуналар, материаллар, пул маблағлари, номоддий активлар ва шу каби бошқа маблағларга эга бўлади. Корхона маблағларининг манбалари - давлат фондидан, акцияларини чиқариш ва сотиш, таъсисчиларнинг бадалларидан, банкларнинг кредитлари ҳисобидан, бошқа корхоналар ва ташкилотлардан олинган қарзлар ҳисобидан, фойдадан ва бошқалардан ташкил этилади. Хўжалик фаолиятини тўғри бошқаришда корхонанинг қандай маблағларга эгаллиги, уларнинг жойлашуви ҳамда бу маблағлар манбалари, мақсадларини билиш керак.

Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

Шунингдек, мамлакатимизда техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳам ишлаб чиқилиб, уларда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андозаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Бугунги кунда фақатгина мазур жамғарма маблағлари эмас, балки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан иқтисодиёт

тармоқларини босқичма-босқич модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва мазмунини тушуниш учун бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг объекти сифатида капитал қўйилмаларнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш зарурияти туғилмоқда. Инвестицияларнинг моҳияти ва мазмунини, инвестиция жараёнида капитал қўйилмаларнинг ўрнини назарий таҳлил қилишни ўтказиш зарурияти шундан иборатки, тадқиқ этилаётган категория мураккаб ва кўп қирралидир, шу билан биргаликда у миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ва янада ривожлантиришда катта аҳдмиятга эгадир. Инвестицияларнинг иқтисодий табиати ва моҳияти тўғрисидаги замонавий тасаввурларни шарҳлаш, таққослаш ва танқидий баҳолаш микро ва макро иқтисодий даража учун ушбу тушунчалар мазмунидаги сезиларли фарқларни аниқлаш имконини берди. Бизнинг фикримизча, алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс нуқтаи-назаридан олиб қаралганда, инвестициялар бу келгусида даромад олиш ёки ижтимоий самара олиш мақсадидаги қилинган харажатлар ҳисобланади, барча капитал ва молиявий қўйилмалар айланма маблағлар заҳирасини оширишга қаратилган харажатлар, таълим ва малака даражасини ошириш мақсадида сарфланган харажатлардир. Инвестициянинг макро даражадаги моҳияти шундан иборатки, у мамлакатда бир йил давомида оралиқ битимлар ва муомалаларни ҳисобга олмагандаги янги яратилган, яқуний жамғармалардан иборат янги объектларга капитал қўйилмалар, айланма маблағлар заҳираларини оширишга қаратилган харажатлардир. Бунда ушбу активлар оралиқ битимларда сотиб олинмаган бўлиши керак. Капитал қўйилмалар иқтисодий моҳиятдан келиб чиққан ҳолда уларнинг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишни асосига, уларни ташкил этишдаги харажатли механизм эмас, балки инвестиция механизми қўйилиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида “инвестициялар”, “капитал қўйилмалар” ва “оборотдан ташқари активларга қўйилмалар” каби

иқтисодий атамалар кенг қўлланилмоқда. Аслини олганда, бу атамалар замирида корхона мулкани қуриш, сотиб олиш, янгилаш, қўпайтириш каби мазмун ётади.

Капитал қўйилмалар билан жорий харажатларни бир-биридан фарқлай билиш керак. Жорий харажат албатта шу даврда даромад келтириши керак. Капитал қўйилма эса бир неча йиллардан кейин даромад келтира бошлайди.

Капитал қўйилмалар таркибига асосий воситалар, табиий ресурслар ва номоддий активларни сотиб олишдан ташқари асосий воситаларни ўсиши ва уларни яхшиланишига сарфланадиган харажатлар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли стандартига кўра капитал қўйилмаларга шундай таъриф берилган:

Капитал қўйилмалар- бу корхонанинг асосий воситалари ва номоддий активларига қўйилган инвестициялари, шунингдек маҳсулдор ва иш хайвонлари подасини ташкил этиш харажатларидир.

Иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёни жаҳон тажрибалари асосида, республикамизнинг миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, иқтисодиётни ривожлантириш моделини яратиш турли хил мулкчилик ва хўжалик шаклларида фаолият юритаётган жамоа, ижара, ширкат, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия, айниқса ишлаб чиқариш харажатларининг таркибини белгилаш, уларнинг ҳисобини ва иқтисодий таҳлилини ташкил этиш ва такомиллаштириш каби муҳим вазифалар қўйилмоқда.

Қуйидаги 1-жадвалда капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитининг меёрий ҳуқуқий асосларидан бир нечтаси келтирилган.

**“SUVSANOATMASH” акциядорлик жамиятида капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитининг меъёрий ҳуқуқий асослари<sup>3</sup>**

| №  | <i>Меъёрий ҳужжатлар</i>                                                                                                                                                    |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1  | “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун. (1996 й. 30-август).                                                                                                                |
| 2  | Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1996 йил 29 августда тасдиқланган                                                                                                |
| 3  | Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 1997 йил 24 апрелда тасдиқланган.                                                                                                    |
| 4  | “Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни                                                                                       |
| 5  | «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БҲМС                                                                                                                        |
| 6  | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги” Низом |
| 7  | Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисида Низом. 2002 йил 12 январда тасдиқланган                                                      |
| 8  | «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» номли 3-сон БҲМС,                                                                                                                    |
| 9  | «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМС                                                                                                                                   |
| 10 | «Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари» номли 17-сон БҲМС,                                                                                                             |
| 11 | «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БҲМС,                                                                                                                |
| 12 | «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сон БҲМС                        |
| 13 | «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1995й                                                                                                      |
| 14 | Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган,Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган АФМС лар                                                          |
| 15 | 1996 йил 24 январдаги ПФ-1363 сонли “Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб–китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора–тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони                          |

Айланмадан ташқари активларга қўйилмалар атамаси орқали кўпчилик МДХ давлатларида узоқ муддатли инвестициялар тушунилади.

Ушбу тушунчалар мутлоқ янги тушунчалар эмас, лекин мамлакат

<sup>3</sup> Очиллов И., Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2004.-156 б ва бошқа ўқув қўлланмалари асосида муаллиф томонидан ишланди. Муаллиф ишланмаси

иқтисодиёти тобора ривожланаётган шароитда бу тушунчаларнинг маъно ва мазмуни ҳам шунга кўра такомиллашиб амал қилиш доираси кенгайиб боради.

## **1.2. Капитал қўйилмалар ҳисобининг мақсади ва вазифалари**

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Унинг асосий ва муҳим тамойилларидан бири мулкдорлар синфини шакллантириш ҳисобланади. Бу эса ўзига хос йўл билан, яъни умумий мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, эгасиз мулкни ҳақиқий мулк эгаларига топшириш орқали амалга оширилмоқда.

Бозор муносабатларининг ривожланиши ишлаб чиқариш ҳисобининг ташкилий даражасига янада юқорироқ талаблар қўяди, чунки у корхона ва унинг бўлинмаларини иш фаолияти тўғрисида ҳақиқий маълумотларни олишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши, корхоналарнинг ташқи бозорга чиқа бошлаши амалиётдаги мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизимини ўзгартириши заруриятини келтириб чиқарди.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби хўжаликларнинг молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларининг ҳолати, тадбиркорлик натижасидаги харажатлари, маҳсулот сотишдан олинadиган даромадларни ўз вақтида аниқлаш имконини бериши керак, натижада корхона молиявий натижасини аниқлаш бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг тўлиқлиги, ўз вақтида маълумот истеъмолчиларга етказилишига боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини муҳим вазифаси бошқарув тизимини маълумот билан таъминлашнинг аҳамияти каттадир. Хозирги вақтда ушбу вазифанинг қониқарсиз бажарилаётганлиги ва бу борада ўзгартиришлар қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисобини бозор иқтисоди талабларига мос қилиб такомиллаштириб бориш давр талаби эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Бухгалтерия ҳисобини бозор иқтисоди талаблари асосида такомиллаштириш фақатгина ҳисоб маълумотлари доирасининг

мазмунини мақсадга мувофиқлигини, муддатини, бухгалтерия ҳисобини юритиш, харажатларни ва бошқарув ҳисоби объектларини акс эттириш усулларини кенгайтириш асосида бўлмаслиги керак. Ишлаб чиқариш харажатлари - бу бевосита ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий ва материал сарфлар йиғиндисидан иборат бўлиб, корхонани ишлаб чиқариш таннархини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади. Хўш, шу ўринда яна савол туғилиши мумкин. Корхоналарда амалдаги бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига биноан қурилиш ишларининг ҳисоб-китоби 0810-»Тугалланмаган қурилиш» счётида олиб борилади. Ушбу счётда қуйидаги харажатлар акс эттирилади:

- қурилиш ишлари бўйича харажатлар;
- асбоб-ускуналарни монтаж қилиш харажатлари;
- монтаж талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарни сотиб олиш харажатлари;
- асбоб-ускуналар ва инвентарларга харажатлар;
- бошқа харажатлар;
- ишга туширилган, бироқ ҳозирча қабул қилиш далолатномалари тасдиқланмаган объектлар.

Корхоналарда тугалланмаган қурилиш объектларига қуйидагиларни киритиш мумкин;

- қурилиши давом этаётган объектлар;
- қурилиши вақтинча тўхтатиб қўйилган ёки умуман тўхтатилган объектлар

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олишда такрор ишлаб чиқариш структурасининг йўналишлари, технологик структура, мўлжалланиши, халқ хўжалик тармоклари, ишларни бажариш усули, маблағ билан таъминлаш манбаларига кўра гуруҳланади.

Капитал қўйилмалар моҳиятини чуқурроқ англаш учун уларнинг таркиби ва гуруҳлари бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқдир (1-чизма).



### 1-чизма. Капитал инвестициялар таснифи<sup>4</sup>

Такрор ишлаб чиқариш структурасининг йўналишлари бўйича капитал қўйилмалар янги қурилиш, кенгайтириш, таъмирлаш, техник қайта жиҳозлаш ва ишлаб турган корхоналар қувватларини сақлашга ажратилади.

Янги қуриладиган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, шунингдек ишга туширилгандан сўнг мустақил балансда ҳисобга олинadиган,

<sup>4</sup>Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-56 б

янги майдончада ишлаб чиқариш қувватларини яратиш мақсадларида ва айрим ишлаб чиқаришларда амалга ошириладиган асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш мақсадларидаги объектлар комплексининг қурилиши киритилади.

➤ ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш деганда ишлаб турган корхоналарда қўшимча ишлаб чиқаришларни қуриш, шунингдек ишлаб турган корхона ҳудуди ёки унга қўшни майдончада қўшимча ёки янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш мақсадларида айрим цехлар ёки асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектларни қуриш ва ишлаб турганларни кенгайтириш тушунилади.

➤ тиклаш деганда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини янги технологиялар асосида қайта қуриш тушунилади.

➤ техник қайта жиҳозлаш ҳаракатдаги асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи объектларнинг дастлабки ҳолатини ўзгартириш тушунилади.

Асосий воситаларни қайта жиҳозлашдан мақсад бўлиб қуйидагилардан ҳисобланади:

- ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий даражасини фан ютуқлари асосида кўтариш;
- ҳаракатдаги ишлаб чиқариш объектлари қувватларини ошириш;
- техник бўлимлардаги муаммоларни бартараф этиш.

Корхоналар фойдаланишга топширилгандан кейин мустақил балансда бўлмайдиган филиалларининг қурилиши ҳам ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш қаторига киритилади.

Ишлаб турган корхонани кенгайтириш, унинг ишлаб чиқариш қувватини кўпайтириш ишлари янги қурилиш йўли билан шундай қувватлар яратишдан кўра қисқароқ муддат ва кам харажатларда амалга оширилиши лозим.

Технологик тузилмасига кўра капитал қўйилмалар қуйидаги иш ва харажат турлари қийматидан таркиб топади.

- қурилиш ишларининг барча турлари;
- ускуналар натижаси бўйича ишлар;
- қурилиш сметаларида назарда тутилган ускуналар харажатлари ;
- қурилиш сметасига киритиладиган асбоб ва инвентарлар харажатлари;
- бошқа капитал иш ва харажатлар.

Ускуналар капитал қурилишнинг шартнома ва ҳисобот кўрсаткичларида қурилиш сметасига кирадиган ва кирмайдиган ускуналарга ажратилади.

1. Қурилиш сметасига кирадиган ускуналар, ишлаб турган корхоналарни таъмирлаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш қувватларини сақлаш ва янги корхона ҳамда объектларни қуриш лойиҳа ва сметаларида назарда тутилган ускуна, машина ва механизмлар лойиҳа ва сметаларга киритилиши лозим бўлган ускуна, машина ва механизмлардир.

2. Қурилиш сметасига кирмайдиган ускуналарга мазкур тармоқ учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш тартибида белгиланишига кўра сметани юқоридаги пунктнинг биринчи абзацига киритилмайдиган машина ва механизмлар киритилади:

- қурилиш машиналари, инвентарь ва асбоблар, шунингдек қурилиш ва монтаж ташкилотлари транспорт воситалари;
- таъминот-сотув ташкилотлари контейнерлар ва бошқалар.

Ускуналар монтаж талаб қиладиган ва монтаж талаб қилмайдиган ускуналарга ажратилади.

Монтаж талаб қиладиган ускуналарга фақат айрим қисмлари йиғилгандан кейин ёки асос ва таянчларга ўрнатилгандан сўнг ишга туширилиши мумкин бўлган ускуналар шунингдек, фойдаланишга топшириш электрмонтаж ва ишга тушириш созлаш ишларини талаб қиладиган электрон ҳисоблаш машиналари ҳам киритилади.

Монтаж талаб қилмайдиган ускуналарга ишга туширишдан олдин асос ва таянчга ўрнатишни талаб қилмайдиган ускуналар: тракторлар,

вагон, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналар ва шу кабилар киради.

Капитал қўйилмалар мақсадига кўра ҳисобга олишда:

- ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар қурилишига (қурилиши тугаллангандан сўнг моддий ишлаб чиқариш соҳаси: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт алоқа ва шу кабиларда ишлайдиган объектлар);
- ноишлаб чиқариш мақсадларидаги (турар жой ва коммунал хўжалик соғлиқни сақлаш муассасалари, ижтимоий таъминот, халқ таълими ва бошқа) объектларга ажратилади.



## 2- чизма. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш усуллари <sup>5</sup>.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича капитал қўйилмалар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа тармоқлардаги капитал қўйилмаларга ажратилади. Капитал қўйилмаларни моҳиятини чуқурроқ англаш учун уларни таркиби ва гуруҳлари бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳисобга олишда капитал қўйилмалар такрор ишлаб чиқариш структурасининг йўналишлари, технологик структура, тайинланиши, халқ

<sup>5</sup> Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.; “Шарқ”, 2013 й.-474 б.

хўжалик тармоқлари, ишларни бажариш усули, маблағ билан таъминлаш манбаларига кўра гуруҳланади.

Қурилиш-монтаж ишларини бажариш усулига кўра капитал қўйилмалар пудрат усулидаги ва хўжалик усулидаги капитал қўйилмаларга ажратилади.

Такрор ишлаб чиқариш структурасининг йўналишлари бўйича капитал қўйилмалар янги қурилиши, кенгайтириш, капитал таъмирлаш, техник қайта жихозлаш ва ишлаб турган корхоналар қувватларини сақлашга ажратилади.

Янги қурилишга янгидан ташкил этилаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар, шунингдек ишга туширилгандан сўнг мустақил балансда бўладиган, янги майдончада янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш мақсадларида, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш мақсадларидаги объектлар комплексининг қурилиши киритилади.

Ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш деганда, ишлаб турган корхоналарда қўшимча ишлаб чиқаришларни қуриш, шунингдек ишлаб турган корхона ҳудуди ёки унга қўшни майдончада қўшимча ёки янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш мақсадларида айрим цехлар ёки асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектларни қуриш ва ишлаб турганларни кенгайтириш тушунилади.

Корхоналарнинг фойдаланишга топширилгандан кейин мустақил балансда бўлмайдиган филиалларнинг қурилиши ҳам ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш қаторига киритилади.

Ишлаб турган корхонани кенгайтириш, унинг ишлаб чиқариш қувватини кўпайтириш ишлари янги қурилиш йўли билан шундай қувватлар яратишдан кўра қисқароқ муддат ва кам ҳаракатларда амалга оширилиши лозим. Ишлаб турган корхоналарни капитал таъмирлаш деганда асосий ва ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган, ишлаб турган цех ва объектларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва уларни техник-иқтисодий самарасини ошириш мақсадларида қайта қуриш тушунилади. Бу одатда асосий мақсаддаги бино ҳамда иншоотларни

кенгайтирмай амалга оширилади.

Ускуналар капитал қурилишнинг режа ва ҳисобот кўрсаткичларида қурилиш сметасига кирадиган ва кирмайдиган ускуналарга ажратилади.


- қурилиш сметасига кирадиган ускуналар, ишлаб турган корхоналарни таъмирлаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш қувватларини сақлаш ва янги корхона ҳамда объектларни қуриш лойиҳа ва сметаларида назарда тутилган ускуна, машина ва механизмлар лойиҳа ва сметаларга киритилиши лозим бўлган ускуна, машина ва механизмлардир киради.

- қурилиш сметасига кирмайдиган ускуналарга мазкур тармоқ учун лойиҳа- смета хужжатларини тузиш тартибида белгиланишига кўра машина ва механизмлар киритилади, қурилиш машиналари, механизмлар, инвентар ва асбоблар, шунингдек қурилиш ва монтаж ташкилотлари транспорт воситалари, иншоотларнинг инвентар деталлари комплектлари: инвентар уйлар, қурилиш ва қидирув ташкилотларининг вагон, фургонлар ва контейнер типигаги бошқа анжомлари қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотларининг тракторлари киради.

Қуйидаги чизмада технологик структурасига кўра капитал қўйилмаларнинг таркиби акс эттирилган.

Ускуналар монтаж талаб қиладиган ва монтаж талаб қилмайдиган ускуналарга ажратилади.

Монтаж талаб қиладиган ускуналарга фақат айрим қисмлари йигилгандан кейин ёки асос ва таянчларга ўрнатилгандан сўнг ишга туширилиши мумкин бўлган ускуналар шунингдек, фойдаланишга топшириш электромонтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини талаб қиладиган электрон ҳисоблаш машиналари ҳам киритилади.



**3-чизма. Технологик структурасига кўра капитал қўйилмаларнинг таркиби<sup>6</sup>**

Монтаж талаб қилмайдиган ускуналарга ишга туширишдан олдин асос ва таянчга ўрнатишни талаб қилмайдиган ускуналар: тракторлар, вагон, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналар ва шу кабилар киради.

Капитал қўйилмаларни мақсадига кўра ҳисобга олишда:

- ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар қурилишига (қурилиши туганлангандан сўнг моддий ишлаб чиқариш соҳаси: саноат, қишлоқ

<sup>6</sup> Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.-592б.

хўжалиги, транспорт алоқа ва шу кабиларда ишлайдиган объектлар)

- ноишлаб чиқариш мақсадларидаги (турар жой ва коммунал хўжалик соғлиқни сақлаш муассасалари, илжтимоий таъминот, халқ таълими ва бошқа) объектларга ажратилади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича капитал қўйилмалар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа тармоқлардаги капитал қўйилмаларга ажратилади.

Қурилиш монтаж ишларини бажариш усулига кўра капитал қўйилмалар пудрат усулидаги ва хўжалик усулидаги капитал қўйилмаларга ажратилади.

Пудрат усулида қурилиш монтаж ишларини ихтисослашган пудрат қурилиш монтаж ташкилотлари олиб боради, бунда икки томон бош пудратчи ва буюртмачи алоқага киришиб, уларнинг ўзаро муносабатлари пудрат шартномаси билан белгиланади. Капитал қўйилмалар маблағ билан таъминлашнинг қўйидаги шароитлари асосида ҳисобига амалга оширилади:

Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, бюджет маблағлари ва банк кредитлари: давлат капитал қўйилмалар лимитидан ташқари амалга ошириладиган капитал қўйилмалар бўйича ҳукумат томонидан шу мақсадларга қўллашга рухсат этилган маблағ билан таъминлашнинг марказлашган манбалари ва бошқалар.

Корхоналарда капитал қўйилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, хилма-хил жорий ва инвестиция фаолият турларига айнан бир харажатларнинг тегишлилигидир. Қурилиш корхоналарида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган қурилиш монтаж ишлари, шунингдек таъмирлаш ишларининг барча турларини “Асосий ишлаб чиқариш” харажатлари счётига киритиш лозим.

Бизнингча, хўжалик усулида қурилиш жараёнидаги қурилиш техникаларини таъминлашга ва устама харажатларини ҳисобга олиш тартиби ва рўйхати қурилиш ишлаб чиқариши учун қўйиладиган

талаблардан тубдан фарқ қилади ва иқтисодиёт субъектларининг тармоққа тегишлигига боғлиқ бўлади.

Инвестиция жараёнидаги қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича харажатлар ва устама харажатлари тўғридан-тўғри иштирок этиш характери касб этади.

Устама чиқимлар рўйхатига кىрувчи харажатларни қурилиш ишларининг таннархига киритишни режалаштириш ва ҳисобга олиш бўйича Намунавий услубий тавсияларга мувофиқ, қурувчилар аввало қуйидаги харажатларни киритишлари мумкин:

- хўжалик инвентарлари ва уларни таъмирлаш бўйича, жумладан вақтинчалик қурилмалар, мослаштирилган жойлар;
- қурилиш майдонларини ободонлаштириш ва таъминлаш бўйича;
- қурилиш объектларини топширишга тайёрлаш бўйича.

Капитал қуйилмалар ва асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ишларни чегаралаш ҳам биринчисининг инвестиция моҳиятидан ва иккинчисининг харажат моҳиятидан келиб чиқиб амалга оширилган. Бизнинг фикримизча, бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлашда улардан фойдаланиш имкониятларини тиклаш мақсадида эскирган конструкция ва деталларни алмаштириш амалга оширилади. Узоқ муддатли инвестициялар эса капитал қурилишни амалга оширишдаги янги қурилиш шакли, шунингдек, реконструкция, кенгайтириш ва ишлаётган корхоналарни қайта техник қуrollантириш билан боғлиқдир. Таклиф этилган ёндошув бизнинг фикримизча, муайян ишларни ёхуд капитал таъмирлашга ёки узоқ муддатли инвестицияларга киритишга имкон беради, бу эса капитал қуйилмалар бўйича жорий фаолият ҳисоби ва ҳисоботи ва харажатларни чегаралашда бухгалтер учун муҳимдир.

## **II БОБ. Хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш**

### **2.1. Хўжалик юритувчи субъектларда қурилиш ишларини амалга ошириш харажатлари ҳисоби**

Қурилиш ва қурилиш ташкилотлари ишларини бажарилишида харажатлар ҳисобини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1999 йил 23 декабрда 579 сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг «Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари» номли № 17-сонли миллий стандарти, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444- сон қарори билан тасдиқланган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низом билан тартибга солиниб туради.


Қурилиш-монтаж ишлари таннархи иқтисодий категория бўлиб, қурилиш ташкилотлари ишлаб чиқаришида ва буюртмачига объектни топширишда акс эттирилади.

Пудрат шартномаси бўйича харажатларга қўйидагилар киради:

- пудрат шартномаси билан боғлиқ бўлган, харажатлар таркибидаги Низом асосида бевосита харажатлар;
- пудрат шартномаси бўйича умумий қурилиш фаолиятига тегишли бўлган ва пудрат шартномалари бўйича тақсимланиши ва шартнома баҳосига кўшилиши мумкин бўлган, харажатлар таркиби ҳақидаги Низом асосида билвосита харажатлар;
- қурилиш пудрати шартномалари шартлари бўйича буюртмачи томонидан қопланадиган бошқа харажатлар. Шартнома шартларида улар бўйича харажатларнинг қопланиши айтиб ўтилган. Мисол учун: тажриба - конструкторлик ишларига харажатлар. Пудрат шартномаси бўйича фаолиятга киритилмайдиган ва тақсимланмайдиган харажатлар қурилиш пудрат шартномаси бўйича харажатлардан чиқариб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг №17-сонли миллий стандартлари “Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари”га

асосан қурилиш харажатларини ҳисобга олишда асосий вазифалар қуйидаги чизмада келтирилган.



#### **4-чизма. Қурилишда харажатларни ҳисобга олишда асосий вазифалар<sup>7</sup>**

Қурилишда ишлаб чиқариш харажатлари жорий йил бўйича уларни пайдо бўлиш вақтига боғлиқ бўлмаган ҳолда маҳсулот таннархига киритилади. Қурилиш тармоқларида харажатлар қуйидаги турларга ажратилади:

- жорий давр бўйича улар жорий ва бир марталик харажатларга бўлинади.
- харажатларни маҳсулот таннархига киритиш усулига кўра бевосита ва билвосита (устама) харажатларга бўлинади.
- бажариладиган ишлар хажмининг ўзгаришига қараб харажатлар

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси №17 " Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари "Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари" га асосан муаллиф томонидан тайёрланди

доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади.

- ишлаб чиқаришни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб жорий харажатлар ўз ичига домий ишлаб чиқариш харажатлари

- бир марталик ёки даврий харажатларни ўз ичига олади.

**Бевосита (тўғри) харажатлар** - деб қурилиш ишлари таннархига тўғридан-тўғри, яъни бевосита ўтказиладиган харажатларга айтилади.

Масалан: қурилишда ишлатиладиган хом ашё ва асосий материаллар, қурилишда банд бўлган ишчиларга иш ҳақи.

**Билвосита, яъни эгри харажатлар** бир неча хил маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ (энергия, сув буғ ва хоказолар сарфи), харажатларга айтилади. Шунинг учун улар маҳсулот ёки қурилиш объектлари ўртасида тақсимотнинг олдиндан белгиланган базаларига мутаносиб тақсимланади.

Харажатларни ҳисоблаш ва уни қурилиш объектларига олиб боришда харажат объектларини ва таннарх ҳисоблаш объектларини танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Харажатлар объектларини ҳисобга олишда кўрсатилган усуллар ёки маълум давр мобайнида харажатларни йиғиб ҳисоблаш усули, ҳисобни меъёрий доимий элементлари ва моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни шароити усуллари кенг фойдаланилади

Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, қурилиш корхонасида харажатларни тўлиқ гуруҳи қўлланилиши натижасида бошқарув қарорларини қабул қилишга тўлиқ имконият мавжуд. Майдалаш цехида эса харажат турларини ҳаммаси қўлланилмаслиги натижасида қарорлар қабул қилиш ва режалаштиришда оператив ахборотларнинг етишмаслиги маълум бўлган.

**Қурилиш ташкилотларида қўлланиладиган харажатларни  
асосий турлари<sup>8</sup>**

| <b>Қурилиш<br/>ташкилотнинг номи</b> | <b>Харажат турлари</b>                                                  | <b>Вазифалари</b>                                      |
|--------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|
| <b>Майдалаш цехи</b>                 | 1.Бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) харажатлар                       | қурилиш монтаж ишларини таннархи ва фойдасини ҳисоблаш |
|                                      | 2. Ўзгарувчан ва доимий<br>3.Режалаштириладиган ва режалаштирилмайдиган | қарорлар қабул қилиш ва режалаштириш                   |
|                                      | 4. Тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган                       | Назорат ва тартибга солиш                              |
| <b>Механика цехи</b>                 | 1. Бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) харажатлар                      | қурилиш монтаж ишларини таннархи ва фойдасини ҳисоблаш |
|                                      | 2. Режалаштириладиган ва режалаштирилмайдиган                           | қарорлар қабул қилиш ва режалаштириш                   |
|                                      | 3. Тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган                       | Назорат ва тартибга солиш                              |

Қурилиш ташкилотларида маълум вақт бўйича харажатларни йиғиб ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. Бу молиявий натижаларни аниқ ҳисоблашга имкон беради.

Қурилиш технологик жараёнларини хусусиятларидан келиб чиқиб таннарх объекти сифатида бутун бажарилган ишлар ёки объектни маълум

<sup>8</sup> Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.-592б.

босқичи олиниши мумкин.

Механика цехида харажат объекти сифатида маълум бир босқичлари алоҳида олинади.

Қурилиш ишларини таннархини ташкил этувчи харажатлар иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги элементларга бўлинади:

- қурилиш ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар
- қурилишда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- қурилишга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- қурилишнинг асосий фондлари ва қурилишга тегишли бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- қурилишга тегишли бўлган бошқа харажатлар;

Қурилишга тегишли бўлган моддий харажатларга қўйидагилар киради:

- қурилиш ишларини асосини ташкил этиб унинг таркибига кирадиган ёки қурилиш маҳсулотини тайёрлашда зарурий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинadиган материаллар, қурилиш конструкция ва буюмлари, ёқилги, энергия, буғ, сув, қурилиш машина ва механизмлари учун эҳтиёт қисм, ишлаб чиқариш, характеридаги чет ташкилотларини қурилиш ишлари бўйича, машина ва механизмларни ишга тушириш бўйича маъмурий хўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари бўйича кўрсатган иш ва хизматлари қиймати;

- қурилишда нормал технология жараёнини таъминлаш ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган учун қурилишда фойдаланиладиган материаллар, шунингдек, асбоб - ускуналарни тузатиш учун эҳиёт қисмлар, инструментлар, мосламалар, инвентарлар, лаборатория асбоб - ускуналари ва асосий фондларга крмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши, махсус кийим - бош ва бошқа арзонбаҳо ашёлар;

- сотиб олинadиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда

монтаж қиладиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр махсулотлар;

- технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биоларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

- қурилишда моддий бойликларнинг табиий йўқолиши нормалари доирасида ва улардан ортиқча йўқотилиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади;

Қурилишда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қўйидаги моддалар киритилади:

- қурилиш ташкилотларида қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

- касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкалари ва окладларига устамалар;

- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган тўловлар, шу жумладан: технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам кунларида ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

- қурилишда, капитал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш: амалдаги қонун ҳужжатларига

мувофиқ навбатдаги ва қўшимча таътиллار, навбатдаги фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар шунингдек, табиий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

- таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш;
- қурилишга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар.

Ижтимоий суғуртага ажратмаларга қуйидагилар киради:

- қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар;
- нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий табиий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар;

Қурилишнинг асосий воситалари ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради;

- қурилишнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

Қурилиш ташкилотида ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулотлар хизматлар, таннархига тегишли бўлади. Қурилишда ишлаб чиқариш бошқа харажатларига қурилиш ишлари таннархига киритиладиган қўйидаги харажат моддалари киритилади:

- қурилишни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия ва бошқа меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари билан таъминлаш харажатлари;
- қурилишдаги асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида

сақлаш харажатлари;

- ёқилғидан сақлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан таъминлаш харажатлари;
- қурилиш ишларига тегишли бўлган асосий воситаларнинг жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;
- табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ харажатлар;
- текин кўрсатилган коммунал хизматлар, озиқ - овқат, айрим тармоқлар ходимларига озиқ - овқатлар қиймати каби харажатлар;
- қурилиш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, сигнализация воситаларини сақлаш харажатлари;
- қурилиш ходимлари ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари;
- қурилишда ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларга тўланадиган нафақалар ва бошқа харажатлар.

Қурилишда «қурилиш машиналари ҳамда механизмларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари» га қуйидагилар киради:

- қурилиш ташкилотига қабул қилинган ишчиларини иш хақи, яъни бевосита қурилиш машина ва механизмларини бошқариш билан банд бўлган ходимлар (механик, машинист, моторист ва бошқалар) нинг иш хақи харажатлари;
- машина ва механизмларни ишга тушриришда сарф бўладиган моддий ресурслар;
- қурилишда банд бўлган асосий воситаларни амортизация харажатлари;
- ижарага олинган қурилиш машина ва механизмлари учун ижара тўловлари (лизинг тўловидан ташқари) шартномада кўрсатилган миқдорда;
- қурилиш машина ва механизмларига техник хизмат кўрсатиш харажатлари;
- қурилиш машина ва механизмларини таъмири харажатлари.

Билвосита эгри харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1,5 банди ва 21- сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, янги счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномада 9400 счёт — «Давр харажатлари счёти» да ёритиб берилган.

### 3 -жадвал

#### “SUVSANOATMASH” акциядорлик жамиятининг 1-январь 2015 йилга ”Бухгалтерия баланси” (1-сонли шакл) маълумотлари<sup>9</sup>

| Кўрсаткичлар                              | Сатр<br>коди | Ҳисобот<br>даври<br>бошига | Ҳисобот<br>даври<br>охирига |
|-------------------------------------------|--------------|----------------------------|-----------------------------|
| 1                                         | 2            | 3                          | 4                           |
| <b>Активлар</b>                           |              |                            |                             |
| <b>I.Узоқ муддатли активлар</b>           |              |                            |                             |
| <b>Асосий воситалар:</b>                  |              |                            |                             |
| Бошланғич (қайта тиклаш қиймати)          | 010          | 2582940                    | 2612941                     |
| Эскириш суммаси                           | 011          | 776166                     | 898992                      |
| Қолдиқ (баланс) қиймати                   | 012          | 1806774                    | 1713959                     |
| <b>Номоддий активлар:</b>                 |              |                            |                             |
| Бошланғич қиймати                         | 020          | 907526                     | 903166                      |
| Амортизация суммаси                       | 021          | 16406                      | 32812                       |
| Қолдиқ (баланс) қиймати                   | 022          | 891120                     | 870354                      |
| <b>Узоқ муддатли инвестициялар( жами)</b> | 040-080      | 258871                     | 258871                      |
| Капитал қўйилмалар                        | 100          | 78389                      | 78289                       |
| <b>I-бўлим бўйича жами</b>                |              | <b>3035154</b>             | <b>2921573</b>              |

Ушбу жадвал маълумотларига кўра “SUVSANOATMASH” акциядорлик жамиятининг 1-январь 2015 йилга ”Бухгалтерия баланси” йил бошига биринчи бўлим жами 3035154 сўмни ташкил этиб, капитал қўйилмалар 78389 сўмни ташкил этган.

<sup>9</sup> “SUVSANOATMASH” акциядорлик жамиятининг 1-январь 2015 йилга ”Бухгалтерия баланси” (1-сонли шакл) маълумотларидан олинди

Қурилиш ташкилотларида тасдиқланган моддалар бўйича қилинган харажатлар уларни ишлаб чиқариш таннархини ташкил этади. Бу харажатларга қўшимча ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ёки сотиш харажатлари қўшилса унда қурилиш ишлари ёки қурилиш маҳсулотларини тўлиқ таннархини ташкил этади.

Шунга қарамай сақлаш ва таъмир харажатлари воситанинг фойдалилигини кўп йиллар давомида таъминлаш учун керак бўлсада, бирдан жорий харажат қилиб қайд қилинади.

Бино ва ускуналар дастлабки қийматига кўра қабул қилиниб, бу сотиб олиш қийматига қўшилган фирманинг бино ва ускуналарни фаолиятларда фойдаланишга тайёр ҳолга келтириш учун кетган барча оддий ва зарурий харажатлардир.

Агар ускуна фирманинг ўз ходимлари томонидан тайёрланган бўлса, ҳамма материаллар, ишлаб чиқариш харажатлари аслида материал харажатлар деб ёзилиши ўрнига ускуна харажатларига киритилади. Дастлабки қийматни аниқлаш одатда қийин эмас, лекин бир савдонинг ўзида икки ва ундан ортиқ восита битта суммага сотиб олинганда ҳар бир воситанинг қиймати алоҳида ўрганиб қайд қилиниши керак.

Бухгалтерия ҳисобида эскиришни ҳисоблаш асосий восита қийматини уни ишлатиладиган даврларга тарқатишдир. Эскириш нақд пулга таъсир қилмайди ва воситанинг бозор қийматини йўқотишга олиб келмайди.

Меҳнат воситалари деб, маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган меҳнат қуроллари ҳамда шу ишда жараёнида бевосита қатнашадиган, лекин унинг учун маълум шароитлар яратиб уни ташкил қилишга узоқ муддат хизмат қила оладиган мулкларга айтилади. Қурилиш ташкилотларида тасдиқланган моддалар бўйича сарфланган харажатлар бажарилган ишлар таннархини ташкил этади.

**Капитал қурилишда бажариладиган ишлар бўйича  
харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш<sup>10</sup>**

| Муомалалар мазмуни                                                                      | Счетлар корреспонденцияси         |                                                 |                   |                                       |                                                 |                       |
|-----------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|-------------------------------------------------|-------------------|---------------------------------------|-------------------------------------------------|-----------------------|
|                                                                                         | Дебет                             |                                                 |                   | Кредит                                |                                                 |                       |
|                                                                                         | қурилиш<br>ташки<br>лотлари<br>да | Фаолияти<br>қурилиш<br>бўлмаган<br>корхоналарда |                   | Қури<br>лиш<br>ташки<br>лотла<br>рида | Фаолияти<br>қурилиш<br>бўлмаган<br>корхоналарда |                       |
|                                                                                         |                                   | Хўжа<br>лик<br>усулида                          | Пудрат<br>усулида |                                       | Хўжа<br>лик<br>усули<br>да                      | Пудрат<br>усули<br>да |
| Капитал қурилишда<br>фойдаланиладиган асосий<br>воситаларга эскириш<br>ҳисобланиши      | 2010                              | 2310                                            | 0810              | 0211<br>-0299                         | 0211-<br>0299                                   | 0211-<br>0299         |
| Капитал қурилишга тегишли<br>номоддий активларга эскириш<br>ҳисобланиши                 | 2010                              | 2310                                            | 0810              | 0510<br>-0590                         | 0510-<br>0590                                   | 0510-<br>0590         |
| Капитал қурилишга сарфланган<br>материал харажатларнинг<br>ҳисобдан чиқарилиши          | 2010                              | 2310                                            | 0810              | 1010<br>-1090                         | 1010-<br>1090                                   | 1010-<br>1090         |
| Ўзида ишлаб чиқарилган ярим<br>тайёр маҳсулотларни қурилишга<br>берилиши                | 2010                              | 2310                                            | 0810              | 2110                                  | 2110                                            | 2110                  |
| Ёрдамчи ишлаб чиқариш<br>ходимлари хизматларини<br>қурилишлари таннархига<br>ўтказилиши | 2010                              | 2310                                            | 0810              | 2310                                  | 2310                                            | 2310                  |
| Умумий ишлаб чиқариш<br>харажатларини                                                   | 2010                              | 2310                                            | 0810              | 2510                                  | 2510                                            | 2510                  |
| Яроқсиз маҳсулотлар суммасини<br>қурилиш ишлари таннархига олиб<br>борилиши             | 2010                              | 2310                                            | 0810              | 2610                                  | 2610                                            | 2610                  |
| Тайёр маҳсулотларнинг қурилиш<br>эҳтиёжларига сарфланиши                                | 2010                              | 2310                                            | 0810              | 2810                                  | 2810                                            | 2810                  |

<sup>10</sup> Ризаев.Ч. "Бухгалтерия счётларининг ўзаро боғланиши"Тошкент-2011. 16 бет

|                                                                                                                                   |      |      |      |                            |                            |                            |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|------|------|----------------------------|----------------------------|----------------------------|
| Қурилиш ишлари таннархига киритилга навд пуллар билан туланган харажатлар                                                         | 2010 | 2310 | 0810 | 5010                       | 5010                       | 5010                       |
| Капитал қурилиш ишлари харажатларига киритилган ҳисоб-китоб, валюта счёти ва банкдаги махсус счётлардан сарфланган пул маблағлари | 2010 | 2310 | 0810 | 5110, 5210-5220, 5510-5530 | 5110, 5210-5220, 5510-5530 | 5110, 5210-5220, 5510-5530 |
| Мол етказиб берувчиларнинг қурилишга кўрсатган хизматлари учун улар счётларининг акцептланиши                                     | 2010 | 2310 | 0810 | 6010                       | 6010                       | 6010                       |
| Қурилишда банд ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг амалга оширилиши                             | 2010 | 2310 | 0810 | 6510                       | 6510                       | 6510                       |

Бу харажатларга қўшимча ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ёки сотиш харажатлари қўшилса унда қурилиш ишлари ёки қурилиш маҳсулотларини тўлиқ таннархи шаклланади.

Капитал қурилишда ҳар ойда тўлдириладиган бажарилган ишлар қиймати (харажатларга киритилган) тўғрисидаги маълумотнома (счёт-фактура) асосий ҳужжат ҳисобланиб, у асосида бажариб бўлинган барча ишлар қиймати ҳисобланади.

Уларга иморатлар, иншоотлар, узатувчи мосламалар, машиналар, асбоб - ускуналар, транспорт воситалари, уй жой бинолари, хўжалик инвентарлари ва ҳоказолар киради ва узоқ муддатли активлар ҳисобланади.

“Пудратчиларнинг бошқа харажатлари” бўлимига қуйидаги харажатларни киритиш зарур:

- пудратчилар томонидан банк ва бошқа юридик шахслардан олинган қарз фоизларини капиталлашган қисми;
- бевосита ва билвосита умумишлаб чиқариш харажатлари.

**0800- Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи сўётларнинг бошқа  
сўётлар билан боғланиши<sup>11</sup>**

| № | Бухгалтерия муомалаларининг мазмуни                                                                                                   | тўлдириладиган<br>хужжатлар       | Дебет        | Кредит       |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------|--------------|--------------|
| 1 | Корхона балансидаги ўрнатиладиган асбоб ускуналар қурилиш монтаж ишларига ўрнатилганда (монтажга тайёргарлик бошланган пайтда).       | Буюртма ва далолатно малар        | 0810         | 0710<br>0720 |
| 2 | Қурилишга сарфланган қурилиш ва бошқа материаллар киймати капитал қуйилмалар харажатлари таркибига қушил ганда.                       | Буюртма ва бухгалтерия хужжатлари | 0810         | 1010<br>1090 |
| 3 | Қурилиш объектларида фойдаланилган асосий воситаларнинг эскириши капитал қуйилмалар харажатларига қушилганда                          | Ҳисоблаш ведомостлари             | 0810         | 0211<br>0299 |
| 4 | Қурилиш объектларида фойдаланилган номоддий активларнинг эскириш киймати харажатлар таркибига киритилганда.                           | Ҳисоблаш ведомостлари             | 0810         | 0510<br>0590 |
| 5 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш тармоқларининг курсатган хизматлари капитал қуйилмалар харажатлари таркибига утказилганда.                      | Бухгалтерия хужжатлари            | 0810         | 2310         |
| 6 | Банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятларининг капитал қуйилма ишларида фойдаланганликлари учун банк фоизлари ҳисобланганда.         | Бухгалтерия хужжатлари            | 0810         | 6920         |
| 7 | Мол етказиб берувчи ва пудратчиларнинг капитал қурилиш ишларида бақарган ишлари ва курсатган хизматлари учун вужудга келган қарзлари. | Шартнома, бухгалтерия хужжатлари  | 0810         | 6010<br>7010 |
| 8 | Корхонада ту галланмаган қурилиш ишлари қайта бақоланганда:<br>а).кийматнинг оширилиши;<br>б).кийматнинг камайтилириши.               | Бухгалтерия хужжатлари            | 0810<br>8510 | 8510<br>0810 |

Капитал қўйилмалар, хусусан капитал қурилиш харажатлари қурилишга ихтисослашган хўжалиқларда 2010- “Асосий ишлаб чиқариш”

<sup>11</sup> Ч.Ризаев.” Бухгалтерия ҳисоби сўётларининг ўзаро боғланиши” Тошкент 2011 й 31 бет

счёти бошқарув ҳисобида ҳисобга олинса қурилишга ихтисослашмаган бошқа соҳаларда қурилиш харажатлари,

**6 -жадвал**

**Қурилиш харажатларини акс эттирилиши<sup>12</sup>**

| № | Хўжалик муомалаларининг<br>Мазмуни                                                                                          | Счётлар алоқаси |      |              |               |
|---|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------|------|--------------|---------------|
|   |                                                                                                                             | Дебет           |      | Кредит       |               |
|   |                                                                                                                             |                 |      |              |               |
| 1 | Қурилишга қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши акс эттирилиши                                                         | 2010            | 0810 | 0211, 0299   | 0211<br>0290  |
| 2 | Қурилишга тегишли номоддий активларнинг эскириши акс эттирилди                                                              | 2010            | 0810 | 0510<br>0590 | 0510<br>-0590 |
| 3 | Қурилишга сарфланган материал харажатларини ҳисобдан чиқарилиши                                                             | 2010            | 0810 | 1010<br>1090 | 1010<br>1090  |
| 4 | Материал қийматлардаги оғишларнинг тегишли ҳиссаси асосий ишлаб чиқаришга ўтказилиши                                        | 2010            | 0810 | 1610         | 1610          |
| 5 | Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни қурилишга берилиши                                                          | 2010            | 0810 | 2110         | 2110          |
| 6 | Ердамчи ишлаб чиқариш хизматчиларини қурилиш ишлари таннархига ўтказилиши                                                   | 2010            | 0810 | 2310         | 2310          |
| 7 | Умумий ишлаб чиқарилиши                                                                                                     | 2010            | 0810 | 2510         | 2510          |
| 8 | Яроқсиз маҳсулотлар қурилиш                                                                                                 | 2010            | 0810 | 2610         | 2610          |
| 9 | Илгари келгуси давр харажатлари сифатида акс эттирилган харажатларнинг тегишли ҳиссасини маҳсулот таннархига олиб борилиши. | 2010            | 0810 | 3110 3190    | 3113<br>3190  |

0800- “Капитал қуйилмалар” синтетик счётининг 0810- “Тугалланмаган қурилиш” счётида молиявий ҳисобда олиб борилади.

<sup>12</sup> Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.-192б.

Шунда капитал қурилиш бўйича барча ҳаракатлар ҳисобини тўғри юритиш ва аниқ маълумотлар асосида таҳлил қилиш жараёнларини такомиллаштириш имкониятлари яратилади.

## **2.2. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш муомалалари ҳисоби**

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида қурилиш корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шу муносабат билан республикамызда капитал қўйилмаларни ҳисобга олиб боровчи счётларни хорижий давлатлардаги амалиёт билан таққослаш мақсадга мувофиқдир.

Россияда қўлланилаётган счётлар режасидаги 0830 счётда хўжалик усулидаги тугалланмаган капитал қўйилмалар харажатлари ҳисобининг номланиши унинг мазмунига мос келмайди. Бунинг сабаби, асосий воситаларга капитал қўйилмалар 0830-«Асосий воситалар объектларини қуриш» деб номланган счётда ҳисобга олиб борилади. Ваҳоланки, бу қурилиш тугалланган бўлганида, унинг қолдиғи бўлмай 0100-«Асосий воситалар» счётида ҳисобга олинган бўлар эди.

Шу сабабли, Ўзбекистонда амал қилаётган 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётининг номланиши ва юритилиши ўз мазмунига мос келади. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги мавжуд 0850-«Ёрни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» счёти билан Россиядаги 08-1 «Ёр майдонларини сотиб олиш» счёти ҳам бир-биридан фарқ қилади, чунки республикамызда ёр олди-сотди объекти ҳисобланмаганлиги сабабли, унга алоҳида счёт очиш зарур ҳисобланмайди.

Ўз навбатида 0840-«Асосий подани шакллантириш» счётини икки қисмга ажратиш маъқул ҳисобланади: 0841-«Иш хайвонларини парваришлаш (сотиб олиш)», 0842-«Маҳсулдор хайвонларни парваришлаш (сотиб олиш)» счётлари ҳисобланади.

**Капитал қўйилмалар бўйича қўлланилаётган счётларнинг  
тавсифи<sup>13</sup>**

| Счётлар<br>нинг<br>рақами | Счётларнинг номи                                                     | Счётлар<br>нинг<br>рақами | Счётларнинг номи                                        |
|---------------------------|----------------------------------------------------------------------|---------------------------|---------------------------------------------------------|
| Ўзбекистонда:             |                                                                      | Россияда:                 |                                                         |
| 0810                      | Тугалланмаган қурилиш                                                | 08-1                      | Ер майдонларини сотиб олиш                              |
| 0820                      | Асосий воситаларни сотиб олиш                                        | 08-2                      | Табиатни муҳофаза қилиш<br>объектларини сотиб олиш      |
| 0830                      | Номоддий активларни сотиб олиш                                       | 08-3                      | Асосий воситалар объектларини<br>қуриш                  |
| 0840                      | Асосий подани шакллантириш                                           | 08-4                      | Асосий воситаларнинг алоҳида<br>объектларини сотиб олиш |
| 0850                      | Ерни ободонлаштиришга капитал<br>қўйилмалар                          | 08-5                      | Номоддий активларни сотиб<br>олиш                       |
| 0860                      | узоқ муддатли ижара шарт-номаси<br>бўйича олинган асосий воситаларга | 08-6                      | Ёш молларни асосий подага<br>ўтказиш                    |
| 0890                      | Бошқа капитал қўйилмалар                                             | 08-7                      | Маҳсулдор ҳайвонларни сотиб<br>олиш ва бошқалар         |

Капитал қўйилмалар ҳисоби такомиллашиб, аналитик счётларнинг таҳлилий хусусиятлари янада ортади. Капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишнинг амалдаги тизимига мувофиқ, асосий фаолияти қурилиш ҳисобланган корхоналарда пудрат шартномаси бўйича бажариладиган барча қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари ҳисоби 2010-“Асосий ишлаб чиқариш” счётида юритилади.

Капитал қурилиш жараёнида қурилиш механизмларини таъмирлашга сарфланадиган устама харажатларни ҳисобга олиш тартиби қурилиш ишлари ҳисобига қўйиладиган умумий талаблардан фарқ қилади. Бунда капитал қурилишни амалга оширувчи субъектлар устама харажатлар таркибига қуйидагиларни киритишлари зарур:

<sup>13</sup>Завалишина И.А. Бухучет по новому. –Т.: Мир экономики и права, 2004. 430 стр

- қурилиш майдонларини ободонлаштириш ва таъмирлаш харажатлари;
- қурилиш объектларини топширишга тайёрлаш харажатлари.

Капитал қурилишда ушбу харажатларни 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” ва 9400-“Давр харажатлари ҳисоби счётлари” счётида қолдириш зарур, лекин улар 18-сонли “Капитал қўйилмалар бўйича харажатлар ҳисоби” қайдномасида алоҳида аналитик счётларга ажратилган ҳолда акс эттирилиши лозим.

Асосий фаолияти қурилиш ҳисобланмаган субъектлар учун ушбу харажатларни 0800-“Капитал қўйилмалар ҳисоби счётлари” счётининг дебитида ҳисобга олишни таклиф этамиз.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, капитал қўйилмалар ҳисобининг амалдаги тизимида капитал таъмирлаш бўйича ишлар харажатлар нуктаи-назаридан, таклиф этилаётган ҳисоб тизимида эса инвестициялар асосида олиб борилади.

Таклиф этилган ёндашув капитал қўйилмалар ҳисобини юритиш, уларни молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш учун бухгалтер учун муҳимдир.

Мамлакатимизда капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишда молиявий ҳисобнинг 16-сонли “Асосий воситалар ҳисоби”, 40-сонли “Мулкка қўйилган инвестиция” ва 38-сонли “Капитал қўйилмалар” номли халқаро ерлар (зовурлар)ни тозалаш ва текислаш харажатлари ҳисобга олинади.

Ушбу қўшимча харажатлар ернинг қийматига қўшилади ва 0110-“Ер” счётининг дебитида ҳисобга олинади. Шунингдек, бу счётга ерни фойдаланишга тайёрлаш учун сув олиб келиш, дренажлар, геодезия ишлари ва бошқа бевосита харажатлари ҳам киритилади, чунки мазкур харажатлар ердан келгусида фойдаланиш ва унинг унумдорлигини ошириш учун зарур ҳисобланади.

0111-“Ерни ободонлаштириш” счётида ер майдонлари тузилишини ўзгартириш, йўللарни қуриш, автомобиллар ва бошқа транспорт

воситалари учун сақлаш жойлари қуриш харажатлари ҳисобга олинади.

Ер майдонлари, ўрмонзор ва сув ҳавзаларига, кўп йиллик дарахтзорларга сарфланган капитал қўйилмалар барча ободонлаштириш ишлари тугатилишидан катъий-назар фойдаланишга қабул қилинадиган майдонларга тегишли харажатлар сифатида асосий воситалар таркибида қабул қилинади.

Республикамизда ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ернинг асосий воситалар таркибига киритилиши унинг муайян қийматга эга эканлигидан далолат беради. Иқтисодиёт назарияси нуқтаи-назаридан олиб қараганда ер қийматга эга бўлмайдиган, эскирмайдиган, аксинча унумдорлиги ортиб борадиган меҳнат воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандартига мувофиқ, “Ер” счёти бўйича эскириш ҳисобланмайди. Агар ерга эскириш ҳисобланмаса, унинг қийматини ҳосил қилувчи харажатлар қайси манба ҳисобидан қопланиши, қайси счётларда акс эттирилиши, 0211- “Ободонлаштирилган ернинг эскириши” счётида амортизация қайси усулда ҳисобланишини аниқлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли “Асосий воситалар”, 6-сонли “Лизинг ҳисоби”, 7-сонли “Номоддий активлар ҳисоби” ва 17-сонли “Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари” каби миллий стандартлари талабларини ўрганиб чиқиш ва шу асосда бухгалтерия ҳисобини юритиш лозим. Хусусан, 16-сонли “Асосий воситалар ҳисоби” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ, ер асосий восита ҳисобланиб, унинг қийматини сотиб олиш баҳоси, ер майдонидаги қурилишларни бузиб ташлаш бўйича соф харажатлари ташкил этади. Мазкур стандарт асосан қуйидагиларни назарда тутди:

- асосий воситаларни баҳолаш ва қайта баҳолаш;
- асосий воситаларни актив сифатида тан олиш;
- асосий воситаларни фойдали хизмат даврида қайта кўриб чиқиш;

- асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши ва улар тўғрисидаги бошқа ахборотларни молиявий ҳисоботда ёритиш.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”да ҳам ер асосий воситалар таркибига киритилган. Ушбу счётлар режасида 0100-“Асосий воситалар ҳисоби счётлари” счётининг 0110-аналитик счёти “Ер” счёти деб номланган. Бу счётда амал қилинаётган қонун ҳужжатларига мувофиқ субъект мулки қилиб берилган ер майдонлари ҳисобга олиб борилади.

Кўп ҳолларда ер майдонларини сотиб олаётганда унинг қийматидан ташқари қуйидаги қўшимча харажатлар юзага келади: кўчмас мулк даллолларига тўланадиган ҳақ, адвокатларнинг хизмат ҳақи, солиқ тўлови, ер ости ва ер усти иншоотларининг қиймати. Масалан, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда бевосита йиллар йиғиндиси усулини қўллаб бўлмайди, чунки бу усулга кўра асосий воситаларнинг фойдаланиш муддати кўрсатилиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг 40-сонли “Мулкка қўйилган инвестициялар (капитал қўйилмалар)” номли халқаро стандартига мувофиқ, ер бўйича сарфланган харажатлар икки ҳолатда ҳисобга олинади:

1. Ернинг қиймати оширилиб, ундан наф олиш учун фойдаланиш кўзда тутилганда.

2. Корхона ерни сотиб олган, аммо ҳали ундан қайси мақсадда фойдаланиш тўғрисида аниқ қарорга келинмаган ҳолатда.

Ушбу халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти счётлар режасидаги 0800-«Капитал қўйилмалар ҳисоби счётлари» счёти таркибида ҳам ер майдонларига сарфланган харажатларни ҳисобга олиш учун аналитик счётлар очиш ва улар ҳисобини тўғри йўлга қўйиш зарур.

Хулоса қилганимизда, юқорида келтирилган муаммоларнинг ечимини топиш республикамыз корхоналарида капитал қўйилмалар

ҳисобининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш ва такомиллаштиришга имкон беради.

Капитал қўйилмалар бўйича бухгалтерия ҳисобининг мамлакат ва халқаро тизимдаги назарий ва ташкилий-услубий асосларини тадқиқ этиш унинг мазмунини асослаш ва келтирилган барча таркибий қисмлар бўйича танқидий боғлаш имконини беради. Қурилишдаги синтетик ҳисобни уни амалга ошириш услубидан қатъий-назар айнан бир йўналишда қараш лозим. Бунда ҳисобни ташкил этишдаги ва юритиш тартибидаги туб фарқлар қурилиш-монтаж ишларида кузатилади, харажатларнинг қолган турлари эса хўжалик усулидаги қурилишларда ҳам бир хилда ҳисобга олинади.

Капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишда молиявий ҳисобнинг 16-сонли халқаро стандарти (МҲҲС) “Асосий воситалар ҳисоби”га 40-сонли стандарти “Мулкка қўйилган инвестиция” ёки “Капитал қўйилмалар” га, 38-сонли (МҲҲС) стандарти номатериал активлар ҳисобига бағишланган бўлса, капитал қўйилмаларнинг асл моҳиятини тушуниш учун бухгалтерия ҳисобини миллий стандартларидан 5-сонли “Асосий воситалар”, 6-сонли “Ижара ҳисоби”, 7-сонли “Номоддий активлар ҳисоби”, 17-сонли “Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари” каби стандартларини ўрганиб чиқиш ва ушбу меъёрий ҳуқуқий асослар бўйича иш юритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21- сонли миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» га асосан асосий воситалар таркибига ер ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21- сонли миллий стандарти, янги счётлар режасига мувофиқ “Ер” счёти бўйича эскириш ҳисобланмайди. Лекин ободонлаштирилган ерга эскириш ҳисобланади ва бунинг учун 0211-“Ободонлаштирилган ернинг эскириши” счёти тайинланган. Ушбу вазиятда 0211-“Ободонлаштирилган ернинг эскириши»

счёти амортизация қандай тартибда, амортизация ҳисоблашнинг қайси усулида ҳисобланиши муаммоли масаладир. Ободонлаштирилган ерга амортизация ҳисоблашда ерга бир марта қилинган харажатлар суммаси қандай йиғилиши ва иккинчи марта қилинган харажатлар биринчисидан қайси тартибда ажратилиши ҳамда харажатларга амортизация ҳисоблаш муаммоси аниқ аналитик ҳисоблар ташкил этилиши керак.

40-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти “Мулкка қўйилган инвестиция” ёки “Капитал қўйилмалар” деб номланган. Бу стандартга мувофиқ ер икки ҳолатда ҳисобга олинади:

1. Ернинг қиймати оширилиб, ундан наф олиш учун фойдаланиш кўзда тутилганда;
2. Корхона харид қилган аммо уни ҳали қайси мақсадда ишлатилиши тўғрисида қарор қабул қилинмаган ҳолатда.

Ушбу халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг 21- сонли миллий стандарти- янги счётлар режасидаги 0800- “Капитал қўйилмалар ҳисоби” счёти таркибида ҳам ер майдонларига тегишли харажатларни ҳисобга олиш учун аналитик счётлар очиб аниқ ва тўғри ҳисобни йўлга қўйиш керак. Бу билан ер ва ободонлаштирилган ерларга эскириш ҳисоблаш ҳисоб-китобини аниқ юритиш имкони яратилади. Шу мақсадда 0850 счётни “Ерни ободонлаштириш харажатлари” деб атаб, 0111 счёт “Ободонлаштирилган ер” деб аталса мантиқий ва методик жиҳатдан мақсадда мувофиқ булар эди, чунки “Ерни ободонлаштириш” қиймат счётида эмас харажатлар счётида ҳисобга олиниши керак. Шунинг учун ҳам “Ерни ободонлаштириш” счёти “Ерни ободонлаштириш харажатлари” деб аталиб капитал қўйилмалар счётини таркибига ўтказилиши керак. Чунки ерни ободонлаштириш харажатни сарф бўлиш жараёнини билдирса, ободонлаштирилган ер тугалланган жараённи билдириб, қиймат кўринишига келган асосий восита демакдир.

## **2.3. Халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси асосида капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш**

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда капитал қўйилмаларни баҳолаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу муаммони ечиш кўп жиҳатдан капитал қурилишда трансферт баҳони оқилона шакллантиришга боғлиқдир.

Капитал қурилишда трансферт баҳо бу ярим тайёр маҳсулот қийматини аниқлашда корхонани бир жавобгарлик марказидан иккинчи жавобгарлик марказига ўтказишда қўлланиладиган баҳо ҳисобланади.

Трансферт баҳони қўллашнинг афзаллиги шундан иборатки, ҳар бир қурилиш бўлинмалари ўз бажарилган ишларига мустақил равишда баҳо белгилайди. Бунда баҳолаш усули бозор иқтисодёти қонуниятларидан келиб чиқиб шаклланади.

Трансферт баҳони тамойилларини қўллашни асосий самарадорлиги жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади.

- бўлинмаларда ва шу асосда капитал қурилишда бажарилган ишлар натижалари бўйича бошқарувни ишончли маълумотлар билан таъминлаш;
- трансферт баҳосини ташкил этувчи харажатлар меъёрларини ишлаб чиқиш, харажатларни ортиқча сарфланишини олдини олиш;
- бозордан оралиқ маҳсулотларни сотиб олиш ёки оралиқ боқичларда бажарилган ишларни қабул қилиб олишда баҳолар ўзгаришини бартараф этиш, корхонанинг маржинал фойдаси камайишини олдини олишда муҳим ўрин тутди.

Капитал қурилишда трансферт баҳоларни қурилишнинг айрим босқичларини баҳолашда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда қурилиш ишларини қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

- ер остини қозиш ишлари;
- ер устини текислаш ишлари;
- монтаж ишлари;
- ички ва ташкилий пардозлаш ишлари;

- пудратчининг бошқа харажатлари.

Ер ости ва ер устини қазииш ҳамда текислаш ишларига трансферт баҳони белгилашда бу ишларга сарфланган харажатлар суммаси асос бўлади.

Мазкур харажатлар қурилишга капитал қўйилмалар сарфлаётган корхона томонидан тузиладиган 3-сонли “Бажарилган ишлар ҳажми ва сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотнома” номли ҳисобот шаклида кўрсатилади.

Ер ости ва устини қазииш ҳамда текислаш ишлари бўйича харажат моддаларини қуйидагича таснифлаш зарур:

- ер ости ва ер устини қазииш ҳамда текислаш ишлари учун сарфланган хом-ашё ва материаллар;
- ер ости ва ер устини қазииш ҳамда текислаш ишлари харажатларига киритиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари (ижтимоий суғуртага ажратмалар билан);
- ер ости ва ер устини қазииш ҳамда текислаш ишларида бевосита банд бўлган асосий воситаларнинг амортизация харажатлари;
- умумишлаб чиқариш харажатлари;
- ер ости ва ер устини қазииш ҳамда текислаш ишлари бўйича бошқа харажатлар.

Таклифимизча, қурилишда трансферт нархини шакллантиришда қуйидаги усулларни инобатга олиш зарур.

#### 1. Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули.

Ушбу усулда 1 январь ҳолатига мавжуд бўлган тугалланмаган капитал қўйилмаларнинг қиймати уларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқий бозор баҳолари асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади. Ушбу баҳоларни аниқлашда “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан қуйидагилар муҳим манба ҳисобланади:

- баҳолашни ўтказиш ва асосий воситаларни сотиб олиш саналарида Марказий банк томонидан белгиланган валюта курслари нисбати сифатида аниқланган ҳисоб коэффициентларини қўллаган ҳолда сотиб олиш санасида асосий воситаларни эркин айирбошладиган валютадаги қиймати тўғрисидаги маълумотлар (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолатда);
- тегишли давлат органларида мавжуд бўлган шарҳлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;
- қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус нашрларда эълон қилинган нархлар ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар;
- қайта баҳолаш ўтказилаётган субъектнинг капитал қўйилмалари тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур усулда капитал қўйилмаларнинг ўтган йилги қиймати бозор қийматига етказилади. Бунда капитал қўйилмаларнинг бозор ва ўтган йилги қиймати ўртасидаги фарқ қайта баҳолаш қийматини ташкил қилади.

2. Индекс усули. Ушбу усулда капитал қўйилмаларнинг ўтган йилги қиймати Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги томонидан ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига белгиланадиган коэффициентларга кўпайтирилиб уларнинг янги қиймати аниқланади.

Капитал қўйилмаларни қайта баҳолаш субъект томонидан мустақил равишда тузилиб, раҳбарият тасдиқлаган махсус комиссия иштирокида мулки қайта баҳолаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотни шартнома асосида жалб этиш йўли билан амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни қайта баҳолашда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Жумладан, ёш молларни парваришlash, кўп йиллик дарахтларни экиш ва ўстиришга сарфланган капитал харажатларни қайта баҳолашда индекс усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Республикамызда амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимида банк кредитлари учун фоизлар асосан молиявий фаолият бўйича харажатларга

киритилади ва бу харажатлар якуний молиявий натижа ҳисобидан қопланади.

Харажатлар капитал қўйилмалар деб ҳисобланса корхона активлари суммаси ортади. Агар харажат давр харажати сифатида олинса, у ҳисобот даври даромадини камайтиради.

Корхоналарда бино ва иншоотлар дастлабки қийматига асосан қабул қилинади, бу қиймат сотиб олиш баҳосига бино ва иншоотларни фойдаланишга тайёрлаш учун сарфланган барча харажатлардан шаклланади. Асосий воситалар сотиб олинаётганда счет-фактура баҳосига қўшиладиган қўшимча харажатлар амалга оширилади. Корхоналарда капитал қўйилмалар ҳисобининг амалдаги тизимини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (5-чизма).



**5-чизма. Капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш<sup>14</sup>.**

<sup>14</sup> Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиёв И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-156 б


Мазкур чизмада келтирилган капитал қурилишда ҳисобни ташкил қилиш тартиби капитал харажатларни тўғри ҳисобга олишга имконият яратади. Бунда хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмалар ҳисобини юритиш тартибидаги фарқлар қурилиш-монтаж ишларида кузатилади, харажатларнинг қолган турлари эса (монтаж талаб қиладиган ёки қилмайдиган ускуналарни сотиб олиш, бошқа капитал харажатлар) хўжалик ва пудрат усулларидаги олиб бориладиган қурилишларда бир хил ҳисобга олинади.

Шунингдек 18-сонли «Капитал қўйилмалар бўйича харажатлар ҳисоби» қайдномасидаги объектларни ишга тушириш даврига шаклланган қийматни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳисоб юритиш тартибидан фойдаланилганда 18-сонли қайдномадаги капитал қўйилмалар бўйича харажатларни қайта гуруҳлаштириш талаб қилинмайди. 0800-“Капитал қўйилмалар ҳисоби счёти” счёти бўйича бухгалтерия ёзувлари ва айланмалар ҳажми қисқаради, битта қайдномада капитал қурилиш ва алоҳида объектларни харид қилиш бўйича харажатларни ҳисобга олиш имконияти пайдо бўлади.

Асосий воситаларга ўтказиладиган капитал қўйилмалар асосий воситалардан фойдаланишдан келгусида иқтисодий фойда олишни ошириш шартларида уларнинг бошланғич қийматини оширади. Келгусида олинadиган иқтисодий фойдани оширмайдиган бошқа барча харажатлар улар амалга оширилган даврдаги давр харажатлари сифатида тан оlinиши лозим.

Қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, модернизация қилиш ишларига асосий воситалар объектининг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ва сифатни янада яхшилашга доир бошқа ҳолатлар туфайли қилиниши лозим бўлган ишлар киритилади. Яъни асосий воситалар объектлари билан боғлиқ кейинги харажатлар мазкур асосий воситалар объектини балансга бирламчи қабул қилинганда аниқланган унинг бошланғич ҳисоблаб чиқилган ишлаб чиқариш самарадорлиги меъёрларини ёки фойдали хизмат муддатини

салмоқли кўпайтириб асосий воситаларни ҳолатини яхшилаганда актив сифатида (яъни асосий воситаларни бошланғич қиймати кўпайиши) тан олинади. Корхонанинг асосий воситаларига ва номоддий активларига капитал қўйилмалар ҳақидаги ва бошқа ахборотлар қуйидаги счётларда акс этирилади:



#### 6-чизма. Капитал қўйилмалар счётининг таркиби<sup>15</sup>.

Реконструкция қилишда ишлаб чиқариш такомиллаштирилади ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида асосий воситаларни

<sup>15</sup>Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлар РЕЖАСИ” номли 21 сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари 26- бет

реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситалар объектлари қайта қурилади. Техник қайта қуроллантириш деганда илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни замонавийлаштириш ва уларни янгилари, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, асосий воситалар объектларини қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга доир харажатлар, улар тугатилганидан сўнг асосий воситалар объектининг фаолият юритишининг қабул қилинган бошланғич меъёрий кўрсаткичлари (фойдали ишлатиш муддати, қуввати, қўллаш сифати ва бошқалар) яхшиланганлиги сабабли, улар мос равишда бундай объектларнинг бошланғич қийматини оширади.

21 сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ асосий воситалар объектларини қўшимча қуриш, қўшимча тарзда асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришда амалга ошириладиган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)да амалга оширилади ва уларни амалга ошириш жараёни тугагандан кейин капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлари (0800)нинг кредитидан асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

### **III БОБ. Капитал қўйилмалар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш**

#### **3.1. Капитал қўйилмаларни аудит қилишнинг усуллари ҳамда ахборот манбалари**

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи юзасидан хулоса беришда аудиторлар ўзларининг шахсий, ҳаққоний ва мутахассислиги бўйича юқори даражадаги билимларига таянишлари лозим, зеро аудиторлар томонидан хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботлари тўғрисида берилган беғараз хулосадан мулк эгалари, инвесторлар, кредиторлар, банклар акцияларни сотиб олишда ва сотишда, кредитлар ва қарзлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда фойдаланадилар.

Аудиторлик фаолиятининг таърифи ўзининг тарихий тараққиёт йўлида турли манбаларда турлича баён қилинган. Масалан, профессор М.Тўлахўжаеванинг «Ўзбекистон Республикасида Молиявий назорат тизими» номли китобида аудитга қуйидагича таъриф берилган:

“Аудит-бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни ушбу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилишидир<sup>16</sup>”.

Аудиторлик фаолияти ва аудиторлик касбининг таърифи Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунида қуйидагича келтирилган:


“Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва ушбу қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.<sup>17</sup> “

---

<sup>16</sup> Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. Тошкент: НОРМА, 2008 йил. 320 б.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонуни 2 –модда 09.12.1992

Биринчи таърифда аудитнинг тафсилоти кенг баён этилган бўлса, сўнгисида аудиторлик фаолияти текширув ўтказиш жараёни бўлишидан ташқари профессионал хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти эканлиги ҳам таъкидланган.



### 7-чизма Аудитнинг турлари<sup>18</sup>

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонунининг 10-бандида қайд этилган субъектлар ва ташкилотлар таркибига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, кредиторлар, мол етказиб берувчилар, акциядорлар ва бошқа инвесторлар олдида маълум иқтисодий ишончга эга бўлишни истаган хўжалик юритувчи субъектлар ўз молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказишлари шарт қилиб қўйилди<sup>19</sup>. Сўнги йилларда аудиторлик фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ, 2000 йил 26 майда янги таҳрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги қонун қабул қилинди. Ушбу

<sup>18</sup> Қўзиев И., ва бошқалар Ички аудит. Ўқув қўлланма-Т. «Иқтисод-молия», 2015. – 220 б

<sup>19</sup> “Аудит” (дарслик). Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, 2008 й. 4-бет

қонунни амалга ошириш, аудиторлик хулосалари солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида 2000 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида” ги қарори ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун аттестация ўтказиш ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш тартиблари белгиланди. 20 дан ортиқ аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, 2000 йил 7 августда Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи мустақил жамоат ташкилоти-Ўзбекистон аудиторлар палатаси ташкил этилди.

Аудитнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Бу усуллар аудитнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Корхонада аудит ўтказиш мутахассис аудитордан маълум билимни ва иш тажрибасини талаб қилади. Бозор шароитида турли мулкка асосланган корхона ва фирмаларнинг фаолиятлари бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг сўнгги молиявий натижалари ҳам турли операциялар ва омиллар туфайли шаклланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келишини текшириш, баҳолаш, асосли хулосаларга келиш ва тавсиялар бериш аудитордан кўп билим ва савияни талаб қилади. Аудит натижасида ишончли хулосага келиш ушбу жараёнда қўлланиладиган усулларга бевосита боғлиқдир.

Аудит жараёнида иқтисодиётимизга хос бўлган халқаро амалиётда кенг фойдаланиладиган усуллар қўлланилади. Аудитор аудит усулларини мустақил равишда белгилайди ва қўллайди. Ушбу усуллар таркиби аудитнинг предмети, мақсади ва вазифаларига бевосита боғлиқдир. Аудит назарияси ва амалиётида ушбу усулларнинг қуйидаги турлари келтирилган:

- солиштириш усули (иқтисодий ҳодисалар, кўрсаткичларни ўзаро ва бизнес-режа билан солиштириш);
- гипотеза усули (ҳодисаларнинг содир бўлиши, натижалари турли шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганилади. Бундай усул кўпинча “яширин иқтисодиёт” натижаларини аниқлашда кенг фойдаланилади);
- таҳлил ва синтез усули (аудит объекти бўлган маълум кўрсаткич омиллар асосида ўрганилади, мавжуд ички имкониятлар аниқланади);
- тафтиш усули (корхонанинг фаолиятига тўлиқ баҳо бериш учун барча операциялар тасдиқловчи назоратидан ўтказилади);
- инвентаризация усули (корхонадаги ҳуқуқий активлар ва мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига монандлиги текширилади);
- калкуляция усули (бажарилган ишлар, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг таннаҳи, умумий овқатланиш корхоналарда эса таомларнинг сотилиш баҳоси аниқланади);
- экспертиза усули (ҳужжатларнинг реаллигини, ҳаққонийлиги, маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари лаборатория йўли билан аниқланади);
- бухгалтерия счётлари ва иккиёқлама ёзув усули (корхона активлари ва мажбуриятларининг ҳаракати ҳамда қолдиқлари бухгалтерия ҳисоби счётлари орқали текширилади);
- баланс усули (корхонадаги ҳодисалар, жараёнларни расмийлаш-тириш, дастлабки маълумотларни умумлаштириш орқали назорат қилиш).

Аудитор текшириш жараёнида меъёрлаштириш, баҳолаш, гуруҳлаш усуллари ҳам фойдаланилади. Аудит усуллари ҳар бир ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг оқибатлари, ҳўжалик жараёнларининг қонун-қоидаларга мувофиқлигини аниқлашга ёрдам бериши керак.

Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши туфайли унинг услуги, унда қўлланиладиган усуллар ҳам такомиллашиб бораверади. Кейинги пайтларда махсус адабиётларда аудитнинг қуйидаги усуллари катта эътибор берилмоқда: ходимлар билан оғзаки сўровлар ўтказиш, текширилаётган корхона бўйича муқобил баланс тузиш, аудит объектлари бўйича тестлар, анкеталар ўтказиш, компьютер ахборотлари технологияларидан кенг фойдаланиш каби усуллар. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, аудиторлар аудит жараёнида қабул қилинган умумий усуллардан фойдаланиш билан бир қаторда улар ўзларига маъқул бўлган ёки бошқалар учун “тижорат сири” ҳисобланган ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Аудит ўтказишда миллий ва халқаро аудит стандартларига асосланади. Шундай қилиб, аудитда қўлланиладиган усуллар унинг тури, мақсади ва вазифаларига бевосита боғлиқ бўлади

“Капитал қўйилмалар - бу хўжаликнинг такрор ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилашга йўналтирилган харажатлар мажмуидир”<sup>20</sup>. Капитал қўйилмалар ҳажми корхоналарни қуриш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва унинг ишлаб чиқариш қувватларини сақлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш мақсадларидаги асбоб-ускуна, транспорт воситалари ва бошқа асосий фондларни харид қилишнинг барча молиялаштириш манбалари ҳисобига қилинган харажатларнинг умумий сўммасига нисбатан белгиланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида қурилиш саноати асосий ўринни эгаллайди. Капитал қурилишнинг устидан назорат қилиш учун корхоналарда капитал қурилиш бўйича назорат бўлимлари ташкил этилади

Аудитни режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган меъёрлар №3 “Аудитни режалаштириш” номли

---

<sup>20</sup> Каримов А., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.-492б.

аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти билан белгиланади. Юқорида таъкидланганидек, аудит режасини пухта тузмасдан сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш мумкин эмас. Шу боисдан ушбу стандартга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз. Амалда, аудитни режалаштириш жараёни аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади. Бу ҳолат кўп ҳолларда, агар мижоз билан шартнома тузилмаса, аудитни режалаштириш билан боғлиқ харажатлар қайси манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги саволни юзага келтиради

3-сонли Ўзбекистон Республикаси Аудит миллий стандартида қуйидагича кўрсатиб ўтилган:

“Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи аудитини режалаштириш пайтида аудиторлик ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёрларни белгилаш аудитнинг мақсади ҳисобланади”<sup>21</sup>.

Аудитни режалаштириш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати ҳамда ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида зарур ахбо-ротларни олиш;
- бажарилиши лозим бўлган назорат амалларининг мазмунини, ўтказиш вақтини ва ҳажмини аниқлаш;

Аудитор ўз режасини текшириладиган корхона раҳбарияти ва ходимлари билан муҳокама қилиши мумкин. Бу ўтказиладиган аудитнинг таъсирчанлигини ошириш ва аудиторлик амалларини корхона ходимлари фаолияти билан мувофиқлаштиришга имкон яратади.

Аудитор режани яхши ва сифатли тузиш ҳамда ишларнинг кутилаётган ҳажмини аниқ ҳисобга олиш учун энг аввало:

- аудиторлик текшируви ўтказиш шартномаси шартларини ўрганиши;

---

<sup>21</sup> 3-сонли Ўзбекистон Республикаси Аудит миллий андазаси




**7-чизма Кутилаётган ишлар режасида акс эттирилган кўрсаткичлар<sup>22</sup>**

- ўтказиладиган аудитнинг энг муҳим масалаларини ажратиб олиши;
- махсус эътибор талаб қиладиган шартларни аниқлаши;
- текшириладиган корхона фаолиятининг предметини ҳисобга олган ҳолда янги қонунлар, низомлар, йўриқнома-лар ва бошқа алоқадор меъёрий ҳужжатларнинг аудитга таъсирини ўрганиши;
- текшириладиган корхонанинг ҳисоб тизими ва ички аудит тизимининг ишончлилиқ даражасини аниқлаши;
- ички аудиторларнинг ишларини ва уларни аудитга жалб қилиш

<sup>22</sup> Каримов А, . ФайзиевА. Аудит. Дарслик. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2013.б.

мумкинлигини таҳлил қилиши;



**8- чизма. Капитал қўйилмалар аудитини режалаштиришнинг вазифалари<sup>23</sup>**

Қурилиш ташкилотларида капитал қўйилмалар аудитининг асосий мақсади уларнинг молиявий ҳисоботларининг тўғрилиги ва ҳаққонийлигини, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчиликка мос келишлигини текширишдан иборатдир. Капитал қўйилмалар аудитини ўтказишда қуйидаги кўрсаткичларга асосий эътибор қаратилади:

- капитал қўйилмалар ҳажмига;

<sup>23</sup> 3- сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандарти асосида муаллиф томонидан ишланди

- корхонани қуриш ва ишга тушириш (ишга тушириш – созлаш харажатлари)нинг асосий сарфлари;

- илмий тадқиқот ишлари қурилмаларининг таркибий намуналари, шунингдек, саноат синовлари учун ўрнатиладиган машина ва ускуналарнинг тажрибаларини тайёрлаш ва қабул қилинган ихтироларни синаш харажатлари;

Субъектлар фаолиятида шундай харажатлар ҳам мавжуд бўладики , улар белгиланган тартибга кўра, капитал қўйилмалар ҳажмига киритилмайди;

- бино, иншоот, асбоб - ускуналар ва бошқа асосий воситаларни капитал ремонти (таъмирлаш) харажатлари ;

- ер ва ўрмон қурилиш ишлари, шунингдек, ерни яхшилаш харажатлари;

- ишга тушириш созлаш ишлари вақтида ускуналарни демонтаж ва монтаж қилиш бўйича харажатлар;

- комплектлаш, йиғиш бўйича нуқсонларни тузатиш ва бунга алоқадор машина, ускуна ва қурилмаларни синаш харажатлари;

- қурилиш – монтаж ишларининг қийматига киритилган қурилишнинг айрим машина ва ускуналарини монтаж қилиш ишлари қиймати;

- асосий воситаларни тугатиш харажатлари;

- қисмларга ажратиб бузиш, ускуналарни монтаж қилиш ва шу кабилар қиймати;

- қурилиш вақтида қурилиш ташкилотларининг устама харажатлари ҳисобига амалга ошириладиган вақтинчалик бино, иншоот ва қурилмалар қиймати,

- улгуржи баҳоларда ҳисобга олинган ускуналар, эҳтиёт қисмларнинг қиймати ;

- қурувчи шартнома асосида бошқа корхона ва ташкилотлар учун бажариладиган ишлар қиймати .

Аудитор асосий воситалар тўғри кирим қилинганлигини, эҳтиёт қисмларнинг қиймати тўғри акс эттирилганлигини, харажатлар тўғри ҳисобга олинганлигини диққат билан текшириши лозим.

Янги қурилишларда капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ва қурилишнинг бориши устидан назоратни, корхона раҳбари, ишлаб турган корхоналарда эса бевосита шу корхона раҳбарига бўйсунувчи капитал қурилиш бўлими амалга оширади.

Аудитор ушбу капитал қурилишда бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилганлигини ва қурилиш-монтаж ишлари тўғри олиб борилганлигини текшириши лозим.

### **3.2. Капитал қўйилмалар аудитини ўтказиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш**

Ишлаб турган корхонани техник қайта жиҳозлаш ягона техник иқтисодий асослаш заминида ҳамда одатда ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмай амалга оширадиган тармоқнинг техник иқтисодий даражасини ошириш режасига мувофиқ ишлаб чиқарилган иш ҳажми ва турлари лойиҳа сметалари бўйича амалга оширилади. Ишлаб турган корхонани техник қайта қуришнинг мақсади ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини, маҳсулотни чиқаришни ошириш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш жойлари сонини қисқартириш билан бирга маҳсулот сифатини яхшилаш, материал сарфи ва маҳсулот таннархини камайтириш, материал ва ёқилғи энергетика ресурсларини тежаш, корхона ишининг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашдир. Бу вазифаларни бажариш маҳсулот таннархини камайтиришга олиб келади. Аудитор маҳсулотлар (иш ва хизматларнинг)нинг таннархи тўғри ҳисобланганлигини текшириши лозим. Ишлаб турган корхонани қайта жиҳозлашда мавжуд ишлаб чиқариш майдонларига янги ускуна ва машиналар ўрнатилиши, бошқариш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган системаларини

жорий қилиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа замонавий воситаларни ўрнатиш, табиатни муҳофаза қилиш объектлари, иситиш ва вентиляция системаларни замонавийлаштириш ҳамда техник қайта қуриш, корхона, цех ва қурилмаларни марказлаштирилган иссиқлик ҳамда энергия манбаларига улаш кабилар киради.

Янгисини қуриш ёки ишлаб турган корхонани кенгайтириш даврида маҳсулотни ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга туширилишидан олдин лойиҳада белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилса, қурилишни ўзгартирилган лойиҳа бўйича давом эттириш дастлаб тасдиқланган лойиҳага кўра, капитал қўйилмаларнинг тегишли гуруҳига киритилади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича қолдиқ корхонанинг тугалланмаган қурилишга, асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилишга сарфланган капитал қўйилмалар миқдори, шунингдек, асосий подани ташкил қилиш бўйича тугалланмаган харажатлар суммаси акс эттиради. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб капитал қўйилмаларнинг ҳар бир йўналиши бўйича юритилади. Аудитор ушбу счётлар тўғри акс эттирилганлиги текшириши лозим.

Капитал қўйилмалар аудитининг асосий мақсади - улар бўйича муомалалар қонуний амалга оширилганлиги, тўғри баҳоланганлиги ва бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилаётганлигини тасдиқлаш ҳамда бошқа активлар текширувидаги каби қуйидагиларни таъминлашдан иборат:

- тўлиқлиги - барча молиявий қўйилмаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиши, ҳисобга олинмай қолган молиявий қўйилмалар йўқлиги;
- молиявий қўйилмалар ҳисобга олинадиган синтетик счётлар қолдиғи ва оборотларининг тегишли аналитик ҳисоб счётлари қолдиқ ва оборотларига мос келиши;

- счётлар бўйича қолдиқ ва оборотларнинг бухгалтерия ҳисоби регистрларидан Бош дафтарга ва бухгалтерия ҳисоботларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;
- капитал қўйилмалар кирими ва ҳисобдан чиқарилиш фактларининг барчаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилиши;
- капитал қўйилмалар ҳаракатига доир барча муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши;
- мавжудлиги - барча капитал қўйилмалар корхона учун аҳамиятли бўлиб, баланс тузиш санасига мавжуд ва келажакда даромад келтиради;
- капитал қўйилмалар мавжудлиги белгиланган тартибда ўтказилган инвентаризация ва зарур дастлабки ҳужжатлар билан тасдиқланган;
- ҳуқуқ ва мажбуриятлар - корхона капитал қўйилмалар учун тегишли ҳуқуқларга эга ва ушбу ҳуқуқлар билан боғлиқ хавф-хатар учун масъулдир:
- бухгалтерия ҳисоби счётларидаги барча ёзувлар амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ расмийлаштирилганлиги, исботловчи ва дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлиги;
- капитал қўйилмаларга доир барча муомалалар амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган муносабатлар шароитидан келиб чиқиши;
- капитал қўйилмалар билан боғлиқ муомалаларни амалга ошириш белгиланган тартибда ваколатли шахслар томонидан рухсат этилганлиги;
- баҳолашлар - капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ баҳоланган;
- аниқлиги - капитал қўйилмаларга доир харажатлар бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқ ҳисобга олинган, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари синтетик ҳисоб регистрларидаги ёзувларга мос келади:
- дастлабки ҳужжатларда, бухгалтерия ҳисоби регистрларида, маълумотларни бухгалтерия ҳисоботларига ўтказишда кўрсаткичларнинг арифметик аниқлигига риоя қилинган;

- молиявий қўйилмаларни ҳисобга қабул қилиш ва ҳисобдан чиқаришга доир барча муомалалар тегишли ҳисоб даврида ҳисобга олинганлигини;

- капитал қўйилмалар тўғрисидаги ахборотлар бухгалтерия ҳисоботларига бериладиган тушунтиришларда очиб берилган

Белгиланган мақсадга мувофиқ, аудитор аудиторлик текширувининг қуйидаги асосий вазифаларини белгилайди:

- барча ҳужжатлар ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилганлигини аниқлаш;

- капитал қўйилмалар тўғри баҳоланганлиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилаётганлигини тасдиқлаш;

- узоқ муддатли ва қисқа муддатли капитал қўйилмалар бўйича бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари ҳақиқийлигини тасдиқлаш.

Аудиторлик ҳисоботини ва хулосасини шакллантириш аудит режаси ва дастурининг капитал қўйилмалар бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёнида вужудга келади.

- ✓ Аудит натижаларини баҳолаш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;

- ✓ аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;

- ✓ аудиторлик далилларнинг етарлилигини баҳолаш;

- ✓ фаолият кўрсатаётган корхона принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш;

- ✓ бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;

- ✓ аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари

ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

Таъкидлаш жоизки, текширув натижалари ва хўжалик юритувчи субъект мутахассисларининг ҳисоб-китобларини баҳолашда аудиторлар маълум даражада профессионал эҳтиёткорликка риоя қилишлари зарур.

Аудитор тўпланган далиллар етарлилигини баҳолашда ушбу ҳолатлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш) ҳисобга олиши керак. Агар бундай ҳолатлар режалаштириш босқичида аниқланган ва ҳисобга олинган бўлса, унда аудитор тўпланган далилларнинг етарлилигига ва режалаштирилган ҳамда қўшимча аудиторлик амалларини бажаришнинг мақсадга мувофиқлигига баҳо бериши зарур.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичларини ўтказиш натижалари аудит ўтказишдан қўйилган мақсадга эришилганлик даражасини баҳолаган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатларида қайд қилинади.

Мавжуд қолдиқларни счё-фактуралар маълумотлари, моддий жавобгар шахслар ҳисоботлари ва тўлов ҳужжатлари билан солиштирлади. Агар капитал қўйилмалар миқдори хўжалик юритувчи субъект молиявий аҳволи учун сезиларли даражада бўлса, аудиторлар ҳисобга олишнинг тўғрилиги ва аниқлигини текшириши, шунингдек, ҳисоб маълумотлари бўйича мажбуриятларнинг ошириб кўрсатилмаганлигини аниқлашлари лозим. Бу ҳолда дастлабки ҳужжатлар маълумотлари аналитик ҳисоб регистрларида акс эттирилган ахборотлар билан, олдин энг катта қолдиқлиларидан бошлаб солиштирилади. Олинган маълумотлар бўйича ҳисоб ёзувларида (масалан, битта счётни ҳисоб регистрида икки марта акс эттириш ва шунга ўхшаш) ҳолатларининг катта-кичиклигини баҳолаш зарур.

Ёзма шаклда олинган далил-исботларни энг ишончли деб тан олиш қабул қилинган. Ёзма тасдиқларнинг ишончлилиги уларнинг тўғри расмийлаштирилишига боғлиқ.

## Хулоса ва таклифлар

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларнинг белгиланиши, айниқса ижтимоий-сиёсий ҳаётни, иқтисодиётни эркинлаштириш, мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиққан ҳолда бир қанча соҳаларни, жумладан бухгалтерия исоби ва аудит тизимини ҳам ислоҳ қилишни тақозо этмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи юзасидан хулоса беришда аудиторлар ўзларининг шахсий, ҳаққоний ва мутахассислиги бўйича юқори даражадаги билимларига таянишлари лозим, зеро аудиторлар томонидан хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботлари тўғрисида берилган беғараз хулосадан мулк эгалари, инвесторлар, кредиторлар, банклар акцияларни сотиб олишда ва сотишда, кредитлар ва қарзлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда фойдаланадилар.

Капитал қўйилмалар ҳисоби ва унинг аудитини ўрганиш давомида қуйидаги хулоса ва таклифларни берамиз:

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда капитал қўйилмалар ҳисобининг тўғри юритилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи билан бевосита боғлиқдир. Чунки, асосий воситаларнинг янгилааниши, ёки модернизация қилиниши маҳсулотнинг сифатига таъсир этади. Маҳсулот сифати қанча юқори бўлса бозорда унга бўлган талаб ошади. Бу эса фойданинг кўпайишига олиб келади.

- капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини тўғри олиб боришда "1С" ва "БЭМ" кабизамонавий электрон дастурлардан фойдаланишни таклиф этамиз. Бунинг натижасида вақт ва корхона маблағлари тежалади.

- капитал қўйилмаларнинг ҳисобини юритишда бошланғич хужжатларни тўғри тўлдириш ва улар ҳисобини аниқ юритиш бухгалтерия ишларининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси бўлган назорат қилишни кучайтириш лозим.

- иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналарда капитал маблағлардан

самарали фойдаланиш учун, маблағларни оқилона сарфлаш, харажатларни қисқартириш, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини ихчамлаштириш, капитал қўйилмалар таҳлилини такомиллаштириш ва капитал қўйилмалар аудити натижаларидан фойдаланиб, бошқарув қарорларини тузишни таклиф этамиз.

Юқоридаги хулоса ва таклифларга амал қилинганда корхонанинг ишлаб чиқариш харажатлари камаяди, фойда ортади ва рентабеллик даражалари юқори бўлади деб фикр билдирамыз.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2013.
2. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни 1996 йил 30 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида ”ги Қонуни (янги таҳрири) 2013 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Янги таҳрири. 2013 йил тасдиқланган.
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. 21.12.1995 йил тасдиқланган, 01.04.1996 йилдан кучга кирган.
6. Ўзбекистон Республикаси “Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 6 декабрдан кучга кирган.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.**

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низоми. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги 365-сонли қарори.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.**

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009 йил.
10. Каримов И.А. 2014 йил юқори усиш суръатлари билан ривожланиш,

барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т.: Ўзбекистон. 2014 йил.

11. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодий ҳаётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Т.: Ўзбекистон. 2015 йил

#### **IV. Асосий ва қўшимча адабиётлар.**

12. Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. Дарслик. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро (БҲХС), Америка (GAAP) ва миллий (БХМС) стандартларига асосан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. – Т.: Молия, 2002.-456 б.
13. Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.; “Шарқ”, 2013 й.-474 б.
14. Гадоев Э ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2008. Тошкент: НОРМА, 2009.- 597.
15. Гадаев Э. и другие. Годовой отчет-2009. НОРМА, 2010.- 368 б.
16. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Тошкент НОРМА. 2010.
17. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-254 б.
18. Завалишина И.А. Бухучет по новому. –Т.: Мир экономики и права, 2004. 432 стр.
19. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-46 б
20. Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.-592б.
21. А. Каримов, Ф. Исломов, А. Авлокулов. Халқаро аудит. Дарслик. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014.-380 б.

22. А. Каримов, Ш. Файзиев. Аудит. Дарслик. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2013.б.
23. Маматов З.Т. Аудит:муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.- Т.:ТМИ.2004.-348 б.
24. Маматов З.Т.,Норбеков Д.Е. Аудит:Ўқув қўлланма.- Т.:ТМИ,2007.-130 б
25. Машарипов О., Илхомов Ш. Амалий аудит. Тошкент - “Иқтисод - Молия”. 2013 й.
26. Ортиков Х.А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами. Тошкент, «НОРМА», 2010. — 528-б
27. Ортиков Х.А. ва бош Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами. Тошкент, «НОРМА», 2010. — 368-б
28. Очилов И., Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2004.-256 б.
29. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. 252 б.
30. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.-Т.: «Меҳнат», 2004. – 416 б.
31. Сотволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Миллий Ассоциацияси, 2004, 429 б.
32. Сотволдиев А.С. Финансовий и управленческий учет. Учебник. Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2012 г. – 280 ст.
33. Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. Тошкент: НОРМА, 2008 йил. 320 б.
34. Қосимов Х. ва бошқалар.т Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами/. - Тошкент, 2010. - 320 б.
35. Қўзиев И., Авлоқулов А., Шеримбетов И. Ички аудит. Ўқув қўлланма.- Т.: «Иқтисод-молия», 2015. – 220 б.
36. Ғуломова Ф.Г. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: НОРМА, 2010 йил. 496 б.
37. Хамдамов Б.Қ. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005. 172 б.

38. Ч.Ризаев ”Бухгалтерия счёта ларининг ўзаро боғланиши”Тошкент-2011  
26 бет

### **В. Интернет сайтлари.**

39. <http://www.gov.uz>. (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали)  
40. <http://www.mf.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).  
41. [http. lex.uz](http://lex.uz). (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари  
маълумотлари миллий базаси)